



Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

| “Ер тўғрисидаги фанлар” йўналиши бўйича | | | |
|--|---|---|--|
| № | Амалий лойиҳа мавзуси | Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа | Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | <p>Тюбегатан калий тузи конининг аномал зонасида ер ости сувини тоғ-кон лаҳмига йиғиш орқали фавқулотда вазиятнинг олдини олиш</p>  | <p>Тадқиқот шакли: Тюбегатан калий тузи конининг аномал зонасида ер ости сувини тоғ-кон лаҳмига йиғиш орқали фавқулотда вазиятнинг олдини олиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - тўртламчи ва туз қатламлари контактидан 350 метр узунликдаги, 3,2 м² кесимдаги горизонтал тоғ-кон лаҳми ўтиш ва чап қирғоқдан миграция бўлаётган ер ости сувларини лаҳм горизонти бўйлаб йиғиш, кейинчалик шурфнинг зомбисига қуйилишини тامينлаш бўйича технологик схема ишлаб чиқилади; - йиғиладиган сувни шурф зомбисидан ер юзасига шлам насослари орқали чиқариб ташлаш схемаси киритилади; - кондан лойқа тузли сувни чиқариб ташлаш билан боғлиқ муҳандислик коммуникацияси ва насос хўжалигини ишчи ҳолатда ушлаб туриш харажатларини минималлашганлигини хранометраж ўтказиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари Тюбегатан калий тузи конининг аномал зонасида синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p> | <p>0,4 млрд сўм</p> |
| Жами йиллик: | | | 0,4 млрд сўм |


**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 0,8 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

| “Ер тўғрисидаги фанлар” йўналиши бўйича | | | |
|--|--|---|--|
| № | Амалий лойиҳа мавзуси | Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа | Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | <p>Республика ҳудудида жойлашган сув омборларида инструментал сейсмологик барқарорлигини таъминлаш технологиясини ишлаб чиқиш</p>  | <p>Тадқиқот шакли: Республика ҳудудида жойлашган сув омборларида инструментал сейсмологик барқарорлигини таъминлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - жаҳонда ва Ўзбекистонда сейсмик фаол ҳудудларда фойдаланилаётган йирик сув омборларида инструментал сейсмологик кузатувларининг ҳолати тадқиқ қилинади; - Ўзбекистонда сейсмик фаол ҳудудларда фойдаланилаётган йирик сув омборлари тўғон ва қирғоқ нишабликлари хусусий ва зилзила вақтидаги тебраниш частоталарини доимий аниқлаш механизми ишлаб чиқилади; - фойдаланилаётган ҳар бир йирик сув омборлари тўғон ва қирғоқ нишабликларининг сейсмик тебранишларнинг резонанс ходисаларига тааллуқли гармоникалар билан бойиши мумкин бўлган ҳудудлари аниқланади; - йирик сув омборлари тўғонлари асосига турли кучдаги, турли масофадаги ва турли азимутдаги зилзилалардан тушадиган сейсмик тўлқин шакллари пакетлари тузилади; - сейсмик фаол ҳудудларда фойдаланилаётган йирик сув омборларида инструментал сейсмологик кузатувларини доимий амалга оширишни таъминлаш нормалари мукаммаллаштирилиб замонавий ускуналар ўзгарувчанлиги доирасида тизимни такомиллаштириш блок-схемаси ва алгоритми ишлаб чиқилади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари республиканинг сейсмик фаол ҳудудларида жойлашган сув омборларида синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p> | <p>0,6 млрд сўм</p> |
| Жами йиллик: | | | 0,6 млрд сўм |


**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,2 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

Бажарилиши икки йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

| “Ер тўғрисидаги фанлар” йўналиши бўйича | | | |
|--|--|--|--|
| № | Амалий лойиҳа мавзуси | Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа | Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | <p>Ер қобиғидаги локал сейсмик фаол тектоник ёриқларнинг техноген кучланганлик ва деформацияланиш моделларини ишлаб чиқиш</p>  | <p>Тадқиқот шакли: Ер қобиғидаги локал сейсмик фаол тектоник ёриқларнинг техноген кучланганлик ва деформацияланиш моделларини ишлаб чиқиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - йирик сув омборлари фаол таъсир доираларидаги сейсмиклик мавжуд бўлган тектоник ёриқлар ажратилиб улардаги зилзилалардан хосил бўладиган кучланишнинг енгиллашиши (релаксациялар) аниқланади; - йирик сув омборлари ҳудуди геодинамикаси, кучланганлик ва деформацияланишнинг жузъий ўзгаргандаги моделлар асосида бўлак-бўлак ечилган математик масалалар алгоритмлаш имконини берадиган ягона тизимга келтирилади; - йирик сув омборлари ишлашидан унинг таъсир ҳудуди ер қобиғидаги тектоник ёриқларда хосил бўладиган устама сейсмик жараёнлар ажратилади; - техноген кучланганлик ва деформацияланиш ҳолатини баҳолаш учун тузилган геомеханик масалаларни ечиш рақамли усулларда амалга ошириш таъминланади; - юқоридаги бажарилган ишлар асосида рақамли ҳисоблаш тажрибалари ўтказилиб Ер қобиғидаги сейсмик фаол тектоник ёриқларнинг техноген кучланганлик ва деформацияланиш ҳолатини баҳолайдиган миқдорий модел ишлаб чиқилади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Тадқиқот натижалари Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тасарруфида бўлган Чорбоғ, Андижон, Хисорак ва Тўпалон сув омборларида синовдан ўтказилади..</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p> | 0,8 млрд сўм |
| Жами йиллик: | | | 0,8 млрд сўм |

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,6 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

Бажарилиши бир йилга мўлжалланган амалий лойиҳалар танлови мавзуси

| “Ер тўғрисидаги фанлар” йўналиши бўйича | | | |
|--|---|--|--|
| № | Амалий лойиҳа мавзуси | Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа | Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | <p>ҚМҚ-2.01.03.96 “Сейсмик районларда қурилиш” меъёрий ҳужжати сейсмологик қисмининг 1.1 жадвалини ўзгартириш учун грунтларнинг сейсмик параметрлари бўйича электрон база яратиш</p>  | <p>Тадқиқот шакли: ҚМҚ-2.01.03.96 “Сейсмик районларда қурилиш” меъёрий ҳужжати сейсмологик қисмининг 1.1 жадвалини ўзгартириш учун грунтларнинг сейсмик параметрлари бўйича электрон база яратиш бўйича амалий лойиҳа бажарилади.</p> <p>Илмий тадқиқот натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - турли грунт шароитларнинг сейсмик хусусият параметрлари баҳоланади; - грунт шароитларининг сейсмик параметрлар ва сейсмик жадаллик ортирма кўрсаткичлар орасидаги боғлиқни аниқланади; - кучли зилзилаларни макросейсмик тадқиқотлар асосида турли грунт шароитларда сейсмик жадаллик ўзгариш таҳлил қилинади; - дисперс ва қояли грунтларнинг сейсмик ва муҳандислик геология хусусиятларига кўра каталог яратилади ва унинг асосида грунт шароитининг сейсмик параметрлари бўйича электрон база яратилади; - яратилган электрон база “Сейсмик ҳудудларда қурилиш” ҚМҚ 2.01.03-96 меъёрий ҳужжатнинг 1.1. жадвали ўрнига амалга жорий этилади. <p>Натижаларни синовдан ўтказиш: Яратилган электрон база республикада турли ҳудудларда бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва қурилиш учун зарур бўлган сейсмиклик даражасини аниқлаш жараёнида синовдан ўтказилади.</p> <p>Илмий натижаларни чоп этиш: Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади.</p> | <p>0,6 млрд сўм</p> |
| Жами йиллик: | | | 0,6 млрд сўм |

**Амалий лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 0,6 млрд сўм ва бажарилиши бир йилга мўлжалланган.*